

АЛКОГОЛЬ, ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ТАЪСИРИДАН ЁКИ ЎЗГАЧА ТАРЗДА МАСТЛИК ҲОЛАТИДА БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Ганиев Шахобитдин Холматович**

Аннотация. Ушбу мақолада мамалакатимизда маст ҳолатда бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш борасида қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлган муаммолар ва уларнинг ечимлари кўриб чиқилади, шунингдек унинг самарали жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: алкоголь маҳсулотлари, мастлик ҳолатдаги шахс, ҳушёрхона, психоактив моддалар, тиббий ёрдам кўрсатиш пункти, хуқуқбузарлик, жиноятчилик, норматив-хуқуқий ҳужжат, қонунчилик, суд-хуқуқ тизими, жамоат хавфсизлиги, криминоген вазият, статистика, касаллик тарихи.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности развития медико-социальной реабилитации лиц, находящихся в состоянии алкогольного опьянения, в нашей стране, проблемы и пути их решения, имеющиеся в принятых нормативных правовых актах по профилактике правонарушений, обеспечению общественной безопасности и борьбе с преступностью, повышению эффективности оказания медицинской помощи лицам, находящимся в состоянии алкогольного опьянения, а также особое внимание уделяется ее результативным аспектам.

Ключевые слова: алкогольные напитки, лицо, находящееся в состоянии алкогольного опьянения, вытрезвитель, психоактивные вещества, пункт медицинской помощи, правонарушение, преступление, нормативный правовой акт, законодательство, судебная система, общественная безопасность, криминогенная обстановка, статистика, история болезни.

Abstract. The article examines the features of the development of medical and social rehabilitation of persons in a state of alcoholic intoxication in our country, problems and ways of their solution, existing in the adopted regulatory legal acts on the prevention of offenses, ensuring public safety and combating crime, increasing the

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчisi, майор

effectiveness of medical care for persons in a state of alcoholic intoxication, and special attention is paid to its effective aspects.

Key words: alcoholic beverages, person in a state of alcoholic intoxication, sobering-up center, psychoactive substances, medical aid station, offense, crime, normative legal act, legislation, judicial system, public safety, crime situation, statistics, medical history.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Сўнгти йилларда республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилган бўлсада, аммо айрим турдаги жиноятларнинг, жумладан вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг, шунингдек мастилик ҳолатида содир қилинган жиноятларнинг салмоғининг ошиши тенденцияси кузатилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оиласалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак” деб таъкидлаб ўтган¹.

Жиноятчиликка қарши кураш борасида жиноят содир этган шахсга жазо бергандан кўра, жиноятни олдини олиш барчасидан афзал ҳисобланади. Шу сабабли жиноятчиликни олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида албатта, жиноятларни ҳуқуқий статискасига ҳам эътибор бериш лозим, чунки шу йўл билан асосан қайси тоифадаги шахслар томонидан жиноятлар содир этилиб келинаётганлигига ва уларнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга аниқлик киритилади.

Мазкур муаммони ёритиш жараёнида даставвал “алкоголь маҳсулотлари”, “гиёҳвандлик (наркотик) воситалари”, “мастилик ҳолатидаги шахслар”, “тиббий ёрдам” каби сўзларнинг терминологик тушунчаларига тўхталиб ўтишимиз ва

¹ Ш.Мирзиёев. Жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кечада олмаяпмиз.
<https://kun.uz/17729101>

уларнинг мазмунини тушиниб олишимиз мақсадга мувофиқдир, негаки ижтимоий ва бошқа юридик адабиётларда мазкур терминлар турлича талқин қилинади.

Жумладан, *алкоголь маҳсулотлар* деганда, озиқ-овқат хом ашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши бир ярим фоиздан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тушунилади². Шунингдек, *гиёҳвандлик (наркотик) воситалари* - гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликларни тушуниш мумкин³.

Мастлик ҳолатидаги шахслар деганда эса, алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахслар тоифасини тушуниш лозим⁴. *Тиббий ёрдам* атамасининг маъноси эса, инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавфли ҳолатлар рўй берганда кечасию кундузи кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури ва тизимини тушуниш мумкин⁵.

Жиноят содир этаётган шахслар тоифаси ичida мастерлик ҳолатида бўлган шахслар томонидан ҳам содир этилаётганлиги ачинарли ва ижтимоий хавфлироқ ҳолат ҳисобланади. Чунки, амалдаги Жиноят кодексининг 56-моддасига кўра, мастерлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар туркумiga кириши белгилаб қўйилган⁶.

Афсуски, шунга ҳам қарамасдан мастерлик ҳолатида бўлган шахслар томонидан ҳанузга қадар жиноят содир этилиб келинаётганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол қилиб оладиган бўлсак, республика миқёсида содир этилган жиноятларнинг таҳлилига кўра, 2022 йилда содир этилган жами жиноятларнинг 3043 таси шахсларнинг мастерлик ҳолатида содир этилганлиги аниқланган.

Шу боис, мамалакатимизда жиноятчиликни барвақт олдини олиш ҳамда мастерлик ҳолатида бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ривожлантириш мақсадида 2022 йил 16 май куни Ўзбекистон Республикаси

² Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.05.2023 й., 03/23/844/0293-сон //https://lex.uz/docs/6472100

³ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.06.2022 й., 03/22/774/0467-сон //https://lex.uz/acts/86044

⁴ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.11.2022 й., 09/22/644/0992-сон //https://lex.uz/ru/docs/6272590

⁵ https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tez-tibbiy-yordam-uz/

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т., – 2023 й.

Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-244-сон Қарори⁷ ҳамда ушбу қарорни ижросини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2022 йил 04 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 644-сон Қарори⁸ қабул қилинди.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари томонидан мастлик ҳолатидаги шахслар мазкур қонуности ҳужжатларга асосан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориб топширилмоқда. Унга кўра, ички ишлар органлари ходимлари кўчаларда, майдонларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, автомобиль йўлларида, вокзалларда, аэропортларда ва бошқа жамоат жойларида мастлик ҳолатидаги шахсларни аниқлайди ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб боради. Сўнг тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ходимлари олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига қабул қилиш тўғрисида навбатчи-шифокор томонидан далолатнома тузилиб, тиббиёт ходими ва ички ишлар органи ходими томонидан имзоланади, сўнгра мастлик ҳолатидаги шахсни маҳсус дафтарда қайд этади, хонага жойлаштиради ва унинг қариндошларига бу ҳақида дарҳол хабар бериш чораларини кўради. Шифокорлар мастлик ҳолатидаги шахсни тиббий кўриқдан ўтказади ва соғлиғи ҳолатини текшириш натижалари далолатномасини расмийлаштиради.

Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида 12 соатгacha бўлганда далолатнома, 12 соатдан кўп вақт бўлганда ва тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда – касаллик тарихи расмийлаштирилади. Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатилганидан ва хушёр ҳолатга келтирилганидан сўнг шифокор уни такроран тиббий кўриқдан ўтказади ва чиқариш мумкинлиги тўғрисида хulosани беради. Бунда, мастлик ҳолатидаги шахсни хушёр ҳолатга келтириш муддати 3 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларни сутканинг тунги вақтида, яъни соат 23:00 дан 06:00 га қадар ёки йилнинг совуқ даврида чиқариб юбориш лозим бўлганда, фақатгина уларнинг қариндошлари кузатуви остида амалга оширишга рухсат берилади, яъни бу сингари ҳолатларда шахсни ўзини ёлғиз чиқариб юбориш мумкин эмас. Чунки,

⁷ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.05.2023 й., 03/23/844/0293-сон.

⁸ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.11.2022 й., 09/22/644/0992-сон

шахс ўзи ёлғиз 23:00дан кейин чиқарып юборилған тақдирда такроран спиртли ичимлик истеъмол қилиб, назоратсиз қолғанлиги учун турли хил күнгилсиз ҳодиса содир қилиши, шунингдек аномал совуқ пайтларда яшаш манзилига етиб бора олмаслиги ёки қаттиқ совуқ таъсирида йўлда музлаб қолиши, ҳатто вафот этиши ҳам мумкин. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастилик ҳолатидаги шахсга чиқарып юбориш давомида баённомага ёки касаллик тарихига имзо қўйдирган ҳолда олиб қўйилған ҳужжатлар, пуллар ва бошқа буюмлари қайтариб берилади⁹.

Хозирги қунда мастилик ҳолатидаги шахслар билан ишлаш борасида ижобий амалиёт йўлга қўйилған бўлсада, аммо таҳлиллар натижасига кўра амалиётда айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, норматив-ҳукуқий ҳужжатларда мастилик ҳолатида аниқланган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб бориш учун маҳсус автомашина ажратиш назарда тутилмаган, шу сабабли ҳозирги қунда ички ишлар органлари ходимлари, хусусан профилактика инспекторлари мажбурикдан ўзининг шахсий автомашинасида ёки бўлмаса бириктирилган хизмат автомашинасида бир ўзи олиб бориб шахсни топширмоқда.

Шунинг учун ҳам мастилик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб кетиш пайтида профилактика инспекторига фаол қаршилик кўрсатиш ҳолатлари жуда кўп кузатилмоқда, сабаби ҳеч бир шахс ўз ҳохиши билан ҳушёрхонага боришни хоҳламайди ва буни истамайди, бу ҳаракатлар фақатгина унинг эркига қарши амалга оширилади. Шу сабабли автомашина бошқарувида бўлган профилактика инспекторининг тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига етиб бориш жараёнидаги хавфсизлиги таъминланмаган. Яъни, бир вақтнинг ўзида ички ишлар органи ходими ҳам автомашинани бошқариши, ҳам мастилик ҳолатидаги шахсни кузатиб бориш имконига эга бўлмайди. Шу каби камчилик борлиги учун аксарият холларда мастилик ҳолатидаги шахслар томонидан ички ишлар органи ходимларига нисбатан жароҳат етказганлик ҳолатлари билан якун топганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Жумладан, 2018 йилда ички ишлар идоралари ходимларига 146 маротаба қаттиқ қаршилик кўрсатилган ва оғир тан жароҳати етказилган. Шундан 78 та ҳолат профилактика инспекторлари билан рўй берган. 2019 йилда эса ички ишлар органлари ходимлари 163 маротаба қаршиликка учраган, шундан 84 таси профилактика инспекторларига нисбатан содир этилган.

2020 йилда бу кўрсаткич 186 тага чиқиб кетди, мазкур ҳолатлар туфайли 137 нафар профилактика инспекторлари ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан

⁹ Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 04 ноябрь кунидаги “Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастилик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида” ги 644-сон Қарори.

жароҳатлари олишди. Уларнинг аксарияти ногирон бўлиб қолгани учун хизматни давом эттира олишмади. 2021 йилнинг 5 ойида ички ишлар ходимлари хизмат вазифасини бажариш чоғида 94 маротаба қаршиликка учраган бўлса, шундан 64 та ҳолат профилактика инспекторлари ҳиссасига тўғри келади¹⁰.

Шу сабабли мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш учун мўлжалланган маҳсус автомашина ва унга хизмат кўрсатувчи штат бирлиги тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини ўзларига ажратиб берилса, бундай ҳолатлар юз беришига барҳам берилар эди. Шунингдек, мастлик ҳолатидаги шахс тиббиёт пунктига олиб кетилаётганда, йўлда ўзини ёмон ҳис қилишни бошлаб, соғлиғи ёмонлашишни бошласа, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш шароити ҳам яратилган бўлар эди.

Собиқ иттифоқ даврида Россия Федерациясида мастлик ҳолатидаги шахслар ана шундай маҳсус мўлжалланган автомашиналарда тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш амалиёти йўлга қўйилган эди, чунки 1972 йилда мастлик ҳолатидаги шахс тиббиёт пунктига олиб кетилаётганда йўлда вафот этиб қолган ва ана шу ҳолат фуқароларда норозичилик кайфиятининг пайдо бўлишига ҳамда ҳалқ қўзғолони содир этилишига олиб келган¹¹.

Бундан ташқари, бунга мисол қилиб яна шуни муаммо сифатида айтиб ўтиш жоизки, профилактика инспектори томонидан мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб кетилганида, у ерга бориб топшириб қайтиб келиши учун кетган вақт давомида унга бириклирлган ҳудуд очик қолиб кетмоқда, бу билан очик қолдирилган ҳудудда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратиб қолинмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сон Қарорига кўра “профилактика инспекторлари хизмат ўташ вақтида агарда бириклирлган ҳудудда тезкор-профилактик хизмат кўрсатилмай қолишига олиб келадиган бўлса, ҳудудни ташлаб кетишга рухсат берилмайди” деб кўрсатиб ўтилган.

Иккинчидан, ногиронлар, ҳомиладор аёллар, вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ёшдан ошган фуқаролар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва ҳарбий хизматчилар мастлик ҳолатида аниқланса, уларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш тартиби норматив-хуқуқий хужжатларда белгилаб берилмаган ва бу ҳолатни ҳал этиш масаласи очик қолдириб кетилган, шу сабабли ушбу тоифадаги шахслар мастлик ҳолатида аниқланган тақдирда улар

¹⁰ <https://kun.uz/news/2021/12/05/ichki-ishlar-xodimlariga-qarshilik-korsatish-va-jarohat-yetkazish-holatlari-yildan-yilga-koraymoqda-baxtiyor-berdialiiev>

¹¹ <https://www.novochag.ru/obshchestvo/people-stories/pit-nado-umet-a-ty-ne-umeesh-kak-rabotali-sovetskie-vytrezviteli>

билин боғлиқ муаммолар амалиётда учраб келмоқда. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 04 ноябрь кундаги “Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 644-сон Қарорига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

Учинчидан, аҳоли сони кўп ва ҳудуди катта бўлган туман ва шаҳарларда ташкил этилган тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ажратилган ўрин жойларини сони етишмаслиги ҳам бир қанча муаммоли ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Айрим ҳолларда ички ишлар органи ходимлари томонидан мастлик ҳолатидаги шахс аниқланиб тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб борилганда, у ерда жой ўринлари етишмаганлиги учун мастлик ҳолатида бўлган шахслар қабул қилинмаяпти ва натижада уларни қўйиб юборишга мажбур бўлмоқдалар. Оқибатда ушбу шахс мастлик ҳолатида ўз ўйига борганда, унинг мастлик ҳолати хусусида ички ишлар органларига хабар берган оила аъзолари ўртасида низоли ҳолатлар, баъзида эса жиноий ҳолатларни келтириб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ёки, аксинча мастлик ҳолатида қўйиб юборилган шахслар томонидан кўча ва жамоат жойларида турли хил хуқуқбузарликлар ёки жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун айрим ҳудудлардаги тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида жой ўринларининг сонини кўпайтириш чораларини кўриш лозим.

Тўртинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сонли Қарорининг 2-иловасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларининг рўйхати келтириб ўтилган, ушбу рўйхатга кўра айрим вилоятларда битта туманнинг ўзида ташкил этилган тиббий ёрдам кўрсатиш пунктини ўзи камида учта туманга, яъни туманлараро хизмат кўрсатиши белгилаб қўйилган, ана шу ҳолатни ўзи ҳам бугунги кунда амалиётда айрим муаммоларни юзага келтирмоқда, чунки туманлар орасидаги масофа узоқ бўлганлиги учун ички ишлар органи ходимлари томонидан аниқланган мастлик ҳолатидаги шахсларни битта тумандан иккинчи туманга олиб бориш қийинчиликларни туғдирмоқда. Агарда, Жizzах вилояти мисолида оладиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 644-сонли Қарорининг 2-иловасида Шароф Рашидов тумани, Жizzах шаҳри, Бахмал тумани ва Ғаллаорол туманлари учун ягона туманлараро тиббий ёрдам кўрсатиш пункти Шароф Рашидов тумани, Уч тол кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган бўлиб, Бахмал туманининг Бўзбулоқ, Ўрмончи ва Навбахор маҳаллаларидан маст ҳолатдаги шахсларни Ш.Рашидов туманидаги тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келиш учун ўртacha ҳисобда тахминан 100-120 километр масофани босиб келиши лозим. Агарда қиши фаслида бўлиб ўтадиган

“аномал совук” пайтида ёки тунги вақтларида олиб боришига тўғри келадиган бўлса, бу муаммоли ҳолатни қандай ҳал қилиш мумкин, маълумки, шахсларнинг мастлик ҳолати аксарият тунги вақтларда аниқланади. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун ҳам мамлакатимиздаги ҳар бир туман (шаҳар)да тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бешиинчидан, бугунги кунда айрим шахслар мастерлик ҳолатида аниқланиб тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб борилган бўлсалар ҳам кейинчалик яна такороран шу ҳолатга тушиб, тузалиш йўлига кирмасдан келаётганлари ҳам учраб турибди. Шунинг учун амалдаги қонунчиликка мастерлик ҳолатидаги шахсга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида кўрсатилган хизматни пуллик қилиб қўйиш ёки бўлмаса икки ва ундан ортиқ марта мастерлик ҳолатида аниқланиб тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб борилган шахсларни жаримага тортиш масаласини киритиш лозим. Бунинг учун рақамлаштирилган дастур яратилиши лозим, шунда электрон база орқали қайси шахслар илгари ҳам мастерлик ҳолатида аниқланиб тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган ёки келинмаганлиги ҳақида маълумот олинишига эришилади.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда мастерлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини ташкил этилганлиги нафақат мастерлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, бундан ташқари уларни йўлда соғлиғи ёмонлашиб, натижада қаровсиз бир ўзи қолиб кетмаслиги ҳамда унинг мастерлик ҳолатидан фойдаланиб, унга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни ҳам олдини олиш кўзланган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мастерлик ҳолатида бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ривожлантириш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда мастерлик ҳолатида бўла туриб ҳуқуқбузарлик содир этилишини барвақт олдини олиш мақсадида, юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш учун бу бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда самарали амалиётни татбиқ этиш орқали эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т-2025.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Т-2025.
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмуий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс, Т-2025.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-244-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 04 ноябрдаги “Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 644-сон Қарори.